



2016 йил «4» сентабр

№ 646-ч

**Ўзига тегишли бўлган худуддан
қурилишга рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда «Nurobod osmonidagi parvoz» фермер хўжалиги (М.Бердикулов)га тегишли бўлган Улус массиви худудидан дала шийпони ва кишлок хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омборхонаси қурилишига рухсат сўраб ёзган 2016 йил 15 августдаги №07-сонли хати, тақдим этган лойиҳа ва экологик экспертиза ҳужжатларини кўриб чикиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нурабад тумани Улус массивида жойлашган «Nurobod osmonidagi parvoz» фермер хўжалиги (М.Бердикулов)га тегишли бўлган 1960-контурдан 0.30 гектар ер майдонига лойиҳа асосида дала шийпони ва 0.20 гектар ер майдонига кишлок хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омборхонаси қурилишига рухсат берилсин.

2. «Nurobod osmonidagi parvoz» фермер хўжалиги (М.Бердикулов)га кўйидаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш;

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободонлаштириш ва куўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш;

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш;

-қурилиш ишларини тугалланиши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш.

-фойдаланишга қабул қилинган мазкур бино-иншоатларни фермер хўжалиги балансига киритиш.

3. Туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев)га «Nurobod osmonidagi parvoz» фермер хўжалиги (М.Бердикулов) томонидан қурилаётган объектда қурилиш ишларини тасдиқланган лойиҳа асосида олиб борилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

4. Нурабад тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев) га мазкур қарорнинг қабул қилиниши билан фермер хўжалигининг ер ижара шартномасини қайта расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

5. «Nurobod osmonidagi parvoz» фермер хўжалиги (М.Бердикулов) томонидан белгиланган муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса вишбу қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов